



Юристлар малакасини
ошириш маркази

Меңнат шартномасини түзиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

*Хусусий-хуқуқий фанлар кафедрасы
ўқитувчиси ю.ф.д., PhD Х.Құчқаров*

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва
шартномаларнинг ходимлар
аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонун
ҳужжатлари ва бошқа норматив
ҳужжатларда назарда тутилганига
қараганда ёмонлаштирадиган
шартлари **ҳақиқий эмас.**



Ходимлар учун меҳнат
ҳуқуқларининг ва кафолатларининг
энг паст даражаси **қонун**
ҳужжатлари билан белгилаб
кўйилади.



МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ

Ходим билан иш берувчи ўртасида
муайян мутахассислик, малака,
лавозим бўйича ишни ички меҳнат
тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар
келишуви, шунингдек меҳнат
тўғрисидаги қонунлар ва бошқа
норматив ҳужжатлар билан
белгиланган шартлар асосида ҳақ
эвазига бажариш ҳақидаги
келишувдир.





МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛИШИ МУМКИН БҮЛГАН МУДДАТЛАР

НОМУАЙЯН МУДДАТГА

Мехнат
шартномаси
муддати

МУАЙЯН ИШНИ БАЖАРИШ ВАҚТИГА
МҮЛЖАЛЛАБ

БЕШ ЙИЛДАН ОРТИҚ БҮЛМАГАН
МУАЙЯН МУДДАТГА

Меңнат шартномаси **ёзма шаклда** бир хил күчга эга

бўлган камида **ИККИ НУСХАДА** тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.



Ишга қабул қилишга **ЎН ОЛТИ ЁШДАН** йўл қўйилади.






Ёшлар меҳнати

-15

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – **УЛАР ЎН
БЕШ ЁШГА ТЎЛГАНИДАН КЕЙИН** ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг **ЁЗМА РОЗИЛИГИ
БИЛАН** ишга қабул қилишга йўл қўйилади.





ҚУЙИДАГИЛАР ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ РАВИШДА РАД ЭТИШ ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ:



иш берувчи томонидан
таклиф қилинган
шахсларни ишга қабул
қилмаслик



муқаддам **судланған**
шахсларни ишга қабул
қилмаслик



белгиланған минимал иш
жойлари ҳисобидан ишга
юборилған шахсларни;
хомиладор аёлларни ва уч ёшга
түлмаган болалари бор
аёлларни

Ишга қабул қилиш вақтида қуидаги ҳужжатлар талаб қилинади:



ПАСПОРТ ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, – **ТУГИЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА ВА ТУРАР ЖОЙИДАН МАЪЛУМОТНОМА**



МЕҲНАТ ДаФТАРЧАСИ, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно



ҳарбий хизматга мажбуrlар ёки чақирилувчилар тегишинча **ҲАРБИЙ БИЛЕТНИ ЁКИ ҲАРБИЙ ҲИСОБДА ТУРГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА;**



махсус маълумотга ёки маҳсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртини тамомлаганилиги тўғрисидаги **ДИПЛОМ.**



Ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби (МК 82-модда)

Танлов асосида ишга қабул қилиш түғрисидаги буйруқдан
намуна

Б У Й Р У Қ

201__ й. «__» ____ -сон _____ ш.

Ишга қабул қилиш түғрисида

1. **(Ф.И.Ш.)** – танлов комиссиясининг 201__ йил _____ даги - сонли карорига биноан директор ўринбосари лавозимига 3 (уч) ой синов муддати билан штатлар жадвалига мувофиқ 201__ йилнинг __ _____ идан ишга қабул қилинсин.

2. Баш бухгалтер **(Ф.И.Ш.)** га: тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: Ф.И.Ш.нинг ишга қабул қилиш түғрисидаги аризаси, танлов комиссиясининг 201__ йил _____ даги - сонли карори ва у билан тузилган 201__ йил __ _____ даги __ -сон меҳнат шартномаси.

Ташкилот раҳбари

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Буйруқ билан танишдим

(ходим имзоси)

(Ф.И.Ш.)



Ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби (МК 82-модда)

Меҳнат шартномаси ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлиигини текшириб кўриш, ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши мақсадида **дастлабки синов шарти** билан тузилиши мумкин

Дастлабки синов муддати **уч ой**дан ошиб кетиши мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим **узрли сабаблар**га кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди

!
Хомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, таълим тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичидаги биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек ходим билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди



Ишлаб чиқариш омиллари

Меҳнат шартларини ўзгартириш, ular қайси тартибда
белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга
оширилади.



Ижтимоий омиллар



Меҳнат шартларини ўзгартиришнинг ҳуқуқий асослари

Бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруқлардан намуналар

(Меҳнат шартномасини ўзгартириш)

Шу корхона, массаса, ташкилотнинг ўзида бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруқдан намуна

Б У Й Р У Қ

201__ й. «__» ____ -сон _____ ш.

Бошқа ишга ўтказиш тўғрисида

1. (Ф.И.Ш.) – хуқуқшунослик фани ўқитувчиси лавозимидан унинг розилиги билан 201__ йил __ ____дан юристконсульт лавозимига доимий ишга ўтказилсин..

2. Бош бухгалтер (Ф.И.Ш.) га: штатлар жадвали ва Вазирлар Маҳкамасининг 201__ йил __ ____даги __-сон қарорига асосан тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: Ф.И.Ш.нинг бошқа ишга қабул қилиш тўғрисидаги аризаси ва у билан тузилган 201__ йил __ ____даги __-сон меҳнат шартномаси, _____ адлия бошқармаси билан __-сонли келишув хати.

Ташкилот раҳбари


_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш..)

Буйруқ билан танишдим

_____ (ходим имзоси)

_____ (Ф.И.Ш..)



Бошқа доимий ишга ўтказиш

Иш берувчининг ходим

розилигисиз

мехнат шартларини
ўзгартириш ҳуқуқи

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарғанлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

Низони кўриш вақтида иш берувчининг зиммасига аввалги меҳнат шартларини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини исботлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи



Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш
ҳақидаги талаблари **рад этилган**
такдирда, иш берувчи унга рад этишининг
сабабини **ёзма шаклда** маълум қилиши
керак



Иш жойини ўзгартириш

Меҳнат шартномасида шартлашиб олинмаган иш жойини ўзгартириш меҳнат шартларини ўзгартириш деб ҳисобланмайди ва бу ҳақда ходим билан келишиш **талаб қилинмайди.**



Бошқа доимий ишга ўтказиш

Бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) – унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга **фақат үнинг розилиги билан** йўл қўйилиши мумкин.

Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш (94-модда)



Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиқсан ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказиш



**Ходим билан иш берувчи ўртасидаги
 келишув бўйича вақтинча бошқа ишга
 ўтказишга йўл қўйилади.
Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш
 берувчи ходимга унинг аввалги ишини
 бериши шарт**

Иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш



Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади ва аввалги ўртacha иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади



Меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади

Мәҳнат шартномасини бекор қилиш асослари

-
- The diagram consists of a central blue circle containing the title "Мәһнат шартномасини бекор қилиш асослари". Six colored circles (1-6) are arranged around it, each connected by a line to a corresponding explanatory text.
- 1. муддатнинг тугаши билан
 - 2. меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра
 - 3. Тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра
 - 4. янги муддатга сайланмаганлиги (конкурсдан ўтмаганлиги) ёхуд сайланиш (конкурс)да қатнашишни рад этганлиги
 - 5. тарафлардан бирининг ташаббуси билан
 - 6. тарафларнинг келишувига кўра

Ходим номуайян муддатга түзилган меңнат
шартномасини ҳам муддати тугагунга қадар
муддатли меңнат шартномасини ҳам

ИККИ ҲАФТА ОЛДИН бу ҳақда
иш берувчини **ёзма равишда**
оғоҳлантириб бекор қилишга ҳақлидир



Ходим билан иш берувчи ўртасидаги
келишувга биноан меңнат шартномаси
ОГОҲЛАНТИРИШ МУДДАТИ
ТУГАМАСДАН ОЛДИН ҲАМ
БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН





Меңнат шартномасини ходим ташаббуси билан бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари



Ходим номуайян муддатга түзилган меңнат шартномасини ҳам уддати тугагунга қадар муддатли меңнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин бу ҳақда иш берувчини ёзма равишда огохлантириб бекор қилишга ҳақлидир.



Огохлантириш муддати давомида ходим меңнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олишга ҳақлидир



Огохлантириш муддатини кўпайтиришга, ҳатто тарафлар келишуви билан ҳам йўл қўйилмайди



Ходимни ўз хоҳишига кўра меңнат шартномасини Бекор қилишни кечиктиришига ҳеч бир ҳолда йўл қўйилмайди.




Меҳнат шартномасини ходим ташаббуси билан бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари



Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди.



Ходим ҳар қандай сабаб билан, истаган вақтида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ташаббус билан чиқишга ҳақлидир.



Тарафларнинг келишуви билан огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин



Агар огоҳлантириш муддати тамом бўлиши Ходим таътилда бўлган ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган кунга тўғри келса, бу сабаблар меҳнат шартномасини бекор қилишнинг огоҳлантириш муддатини узайтиришга сабаб бўлмайди

Меҳнат
шартномасини
иш берувчининг
ташаббуси
 билан бекор
 қилиш

ходимнинг малакаси
етарли бўлмаганилиги
ёки соғлиғи ҳолатига
кўра бажараётган
ишига нолойиқ бўлиб
 қолиши

ходимнинг пенсия
ёшига тўлганлиги,
қонун ҳужжатларига
мувофиқ ёшга доир
 давлат пенсиясини
 олиш ҳуқуқи мавжуд
 бўлганда.

ходимнинг ўз меҳнат
вазифаларини бир
 марта қўпол
 равишда бузганлиги

ходимнинг ўз меҳнат
вазифаларини
мунтазам равишда
 бузганлиги.

Меҳнат
шартномасини
иш берувчининг
ташаббуси
 билан бекор
қилиш

технологиядаги, меҳнат ва ишлаб чиқариши ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарғанлиги ёхуд корхонанинг тутатилғанлиги;

ўриндошлиқ асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлиқ иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги.

корхона раҳбари, унинг ўринbosарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мукдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги.



Муддатли меҳнат шартномасини муддати тугаши муносабати билан бекор қилиш (МКнинг 105-моддаси)

- 1 Муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади
- 2 Иш жойи (лавозими) сақланиши лозим бўлган ходимнинг ишда бўлмаган вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси шу ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.
- 3 Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИННИГ ТАРАФЛАР ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

1 ходим ҳарбий ёки **муқобил хизматга** чақирилган тақдирда

2 ходимнинг **вафоти** муносабати билан

3 шу ишни илгари бажариб келган ходим **ишга тикланган** тақдирда

4 ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган **қоидалар бузилганлиги** муносабати билан

5 ходимни жазога маҳкум этган **суднинг ҳукми қонуний кучга кирган** ҳамда ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган **даволаш-профилактика** муассасасига йўлланган тақдирда



МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ ҲОДИМЛАРГА БЕРИЛИШИ

МУМКИН БЎЛГАН Кафолатлар:

- 1 Огоҳлантириш муддати давомида иш берувчи ҳодимни ушбу корхонада ишга жойлаштириш чораларини кўриши шарт
- 2 Ҳодим билан меҳнат шартномасини бекор қилдишда ҳодим бошқа иш излаши даврида 2 ой мобайнида унинг ўртacha ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади
- 3 18 ёшга тўлмаган ҳодимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишнинг умумий тартибидан ташқари маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади
- 4 Огоҳлантириш муддати давомида ҳодимга бошқа иш қидириш учун хафтада камида 1 иш куни ҳисобида иш ҳақи сақланадиган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади
- 5 Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддатини мутаносиб равишда пуллик компенцияга алмаштириш имкониятининг мавжудлиги
- 6 Фойдаланилмаган таътил учун компенция тўлаш мумкин

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!